

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • www.uzssgz.uz, uzss@yandex.ru • 2019 йил 11 январь • № 1 (1230)

14 январь — Ватан ҳимоячилари кун

ВАТАН ҲИМОЯСИ ШАРАФЛИ БУРЧДИР!

Маълумки, ҳар бир давлат мустақиллигини, аввало, ўша мамлакат армияси, Қуролли Кучлари ҳимоя қилади. Шу боис, Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, мамлакатимиз мудофааси давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бири сифатида белгилаб олинди.

1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январь кун эса, мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди – Республикаимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон тасарруфига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1993 йилдан эътиборан 14 январь – Ватан ҳимоячилари кун деб эълон қилинди.

Дастлабки қадам Бош Қомусимизнинг 52-моддасида: “Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи” деган жумла билан қатъий белгилаб қўйилди. Минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, миллий хавфсизлигимизни ҳимоя қилишни кучайтириш борасида қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонун айнан ушбу мақсадларни амалга оширишга қаратилди. Мазкур ҳужжатда Ўзбекистоннинг турли ҳарбий-сиёсий блок ва альянсларга қўшилмаслиги, ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга экани, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базаларини жойлаштирилишига йўл қўймаслиги, мустақил, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақидаги принциплар аниқ-равшан баён этилди.

(Давоми 2-бетда).



ТИНЧЛИК УЧУН САЛОМАТ БЎЛ, ЮРТ ПОСБОНИ...

Ўзбекистон!.. Ушбу сўз жаранлаганда ёруғ кунлар-у, осуда тунлар ва мусаффо осмон кўз олдимизда гавдаланади. Осойишта ҳаётимиз, болажонларнинг ширин кулгисмо, ота-оналаримизнинг фаровон яшаши тинчлик туфайли, албатта. Жонажон юртимиз тинчлиги-ю, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларида, шубҳасиз Ватан ҳимоячиларининг ўрни, шижоат ва жасорати беқийёс. Юрагидан Ватан ҳамда халқ севгиси мустаҳкам жой олган мард ўғлонлар юрт сарҳадларини сергаклик билан кўриқлашмоқда.



Ватан ҳимоячиси... У энг шарафли ва олий касб эгаси ҳисобланади. У нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан етук бўлган мард ўғлон. Ватан ҳимояси йўлида хизмат қилаётган ҳар бир ҳарбий хизматчи ўзига топширилган вазифани Она юрти ва халқи олдидаги улғу масъулият, деб билади.

Бугунги кунда юртимизда ҳарбий қасамёдини сўзсиз бажарётган ҳарбий хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизмат мавқеини янада юксалтиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Энг муҳими, ҳарбий хизматчиларнинг касбий маҳорати, салоҳияти йилдан-йилга юксалиб борапти. Албатта, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, ўқув-жанговар машқлари, фавқулодда ҳолатларда соғлигини асраш, аскарларга тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, Республикаимизда тиббий хизмат офи-

церларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Шу боис, Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетида Қуролли Кучларимиз учун тиббий хизмат офицерлари тайёрланмоқда. Таъкидлаш кераки, ушбу муассасанинг ташкил этилиши мамлакатимизнинг барча ҳарбий қисмларини юқори малакали ва пухта тайёргарликка эга ҳарбий шифокорлар билан таъминлаш имконини бермоқда. Мазкур факультет Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 июлдаги “Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ҳарбий-тиббиёт факультетини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тиббиёт мутахассислари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш маркази ҳамда Тошкент тиббиёт академиясининг ҳарбий кафедраси негизда ташкил этилган.

(Давоми 3-бетда).